ТАТБИҚИЙ ТИЛШУНОСЛИК ТЕЗИСЛАРИ

Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова

Мақолада муаллифнинг ўзбек амалий тилшунослиги бўйича тезислари баён қилинган. Шунингдек, унинг суд лингвистикаси, гендер лингвистикаси, реклама лингвистикаси, психолингвистика каби йўналишлари қисқача тавсифланган.

***Калит сўзлар**: суд лингвистикаси, гендер лингвистикаси, реклама лингвистикаси, психолингвистика.*

В статье изложены основные тезисы автора по узбекской прикладной лингвистике. Также охарактеризованы такие её основные направления: судебная лингвистика, гендерная лингвистика, рекламная лингвистика и психолингвистика.

***Ключевые слова**: судебная лингвистика, гендерная лингвистика, рекламная лингвистика и психолингвистика.*

In the given article the basic theses of the author on the Uzbek applied linguistics are dealt with. The basic directions of the linguistic science are also characterized: such as judicial linguistics, gender linguistics, advertising linguistics and psycho linguistics.

***Key words**: forensic linguistics, gender linguistics, advertising linguistics and psycholinguistics.*

Турли манбаларда тилшунослик тарихи эрамиздан аввалги 2-5 минг йилликлардан бошлаб ҳисобланса-да, тилни амалий билишга, бу борадаги билимларни (ёки ҳар қандай билимларни) сақлаш ва узатишга бўлган зарурият инсоният тарихи билан тенгдир. Тилшунослик тараққиёти барча фанлар қатори назарий ёки амалий тадқиқотлар етакчилик қилган даврларни ўз ичига олади. Замонавий ўзбек тилшунослиги ҳам у қадар узоқ бўлмаган тарихий даврда амалий ва назарий босқичларнинг бир қатор алмашинувларини бошдан кечирди. Ўтган асрнинг 40-50-йилларидан бошлаб ривожланган назарий босқич бу борада, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, жаҳон тилшунослигининг энг илғор йўналишлари даражасига етди. Аммо фан тараққиёти доим ҳам замон талаблари билан мутаносиб бўлавермайди. Фаннинг энг юқори даражадаги назарий ютуқлари ҳам замон талаблари учун мос келмаслиги, зарурий бўлмаслиги мумкин. Ижтимоий-иқтисодий шароит фан олдига қўйган вазифалар ҳозиргидагидек кўп бўлган давр инсоният тарихида кузатилмаган. Бугун гуманитар фанлар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилмоқда ва бу вазифаларни ҳал этишнинг аниқ муддатлари белгиланмоқда. Бу талабни бажармаслик муайян фаннинг ўз объекти ва предметидан маҳрум бўлиб, бошқа фанлар таркибий қисмига айланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Назарий билимларнинг амалга татбиқи ҳар қандай тадқиқот олдига қўйиладиган талаб бўлса-да, бу мақсадни амалга ошириш доим ҳам осон эмас. Аниқ фанларда олиб борилган тадқиқотларнинг амалий аҳамияти борасида бир қарашда катта муаммо йўқдек, сабабки, аниқ фанлар инсоният олдида турган аниқ муаммоларни ҳал этиш учун юзага келади (Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, аниқ фанлар тарихида ҳам энг буюк кашфиётлар ўз амалий қўлланишини ўн йиллаб, ҳатто кўпроқ давр кутиб турган ҳолатлар учрайди). Ўз номи билан инсонга – инсон ички оламига йўналган гуманитар фанлар (humanitaire – инсоний)да вазият бироз бошқачароқ. Бу фанлар доирасида олиб борилган тадқиқотларнинг амалий натижалари доим ҳам яққол кўзга ташланавермайди, комил инсонни шакллантириш, унинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, натижа дарров ҳам кўринавермайди.

Тилшунослик фанининг амалий аҳамияти ҳақида гап кетганда, бир неча жабҳаларни дарров санаб бериш мумкин. Хусусан, ҳорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини шакллантириш кабилар. Аммо булар тилни амалий қўллашнинг жуда оз ва аҳамиятан жуда кичик қисмларидир.

Инсоннинг она тили уни бошқа мавжудотлардангина эмас, инсонларнинг ўзларини бир-биридан ҳам фарқлаб турувчи табиат томонидан берилган энг содда, шу билан бирга энг мураккаб таснифи асосидир. Айнан инсон тили унинг миллий, жинсий, шахсий белгилари ҳақида маълумотларни шакллантиради, сақлайди ва бошқаларга етказишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, айнан она тили инсонни шакллантириш ва унга таъсир ўтказишнинг ноёб қуроли ҳамдир.

“Маълумки, тил ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги

руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир" [1.83].

XX-XXI аср тилшунослигида тил фалсафасининг энг етук намояндаларидан ҳисобланган Вайсгербер ва унинг издошлари томонидан она тили феноменининг инсон тафаккури ва ҳаётий тамойиллари шаклланувидаги ўрни борасида ғоятда қизиқарли тадқиқотлар олиб борилди ва борилмоқдаки, бу алоҳида йирик мубоҳаса учун мавзу бўла олади [2].

Ижтимоий талабларнинг фандаги ифодаси сифатида юзага келган ва тетапоя бўлиб ривожланаётган ўзбек амалий-татбиқий тилшунослиги, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу фаннинг ривожидаги янги ва зарурий – амалий босқичдир.

Амалий тилшуносликнинг жаҳонда барқ уриб ривожланаётган бир қатор жабҳалари борки, уларнинг ўзбек тилига татбиқ қилиниши ўзбек тилшунослигининг фан сифатида нафақат ижтимоий, балки иқтисодий самарадорлигини ҳам юксалтириши шубҳасиз.

Тилшуносликнинг соф назарий тадқиқотлар доирасидаги тадрижи янги амалий шакллар кашф этиш заруриятини бундан анча йиллар муқаддам юзага келтирган эди. Бироқ жаҳон тилшунослигида етакчилик қила бошлаган бу хил йўналишлар ривожи назарий тилшуносликда етакчи бўлган тамойил ва методларни амалий-татбиқий тилшуносликда қўллашнинг деярли имконсизлиги туфайли оқсаб келмоқда. Тил қайси миллатга тегишли бўлишидан қатъи назар, универсал хусусиятга эга. Назарий тилшунослик айнан унинг ана шу универсал хусусиятларига – моҳиятига йўнатирилади. Амалий тилшунослик эса моҳиятнинг тажаллиси – юзага чиқишига йўналтирилиб, умумлисоний қоидалар, демакки, бошқа тилшуносликларнинг бу борадаги тажрибаларидан фойдаланиш имконининг камлиги, баъзи ўринларда умуман йўқлиги (мавжуд қоидалардан фойдаланиш нотўғри натижаларга олиб келиши) билан характерланади.

Татбиқий тилшунослик йўналишларининг барчасига хос бўлган яна бир хусусият уларнинг чамбарчас боғлиқлигидир. Тилшуносликда сатҳлараро боғлиқлик, тил бирликларининг ўзаро муносабатлари доим ҳам тан олиниб келинган. Татбиқий тилшунослик йўналишлари аро боғлиқлик эса ўзаро тақозо ҳамда мақсад ва вазифаларга кўра тармоқланишга асосланган мураккаб кўриниш касб этади.

Айтиб ўтилганлардан ташқари, ўз номидан кўриниб турганидек, бу хил йўналишлар тилшунослик қўлга киритган назарий натижаларни бошқа фанлар ёки фан йўналишларига татбиқан амалий қўллайди.

Ғарб тиллари, шунингдек, рус тили мисолида ҳам татбиқий тилшунослик борасида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тарихга назар ташласак, ҳатто системавий тилшунослик "отаси" Ф.де Соссюр ҳам тил системаси манзарасини ҳар бир индивид ўзича тиклаб боришини, ўша "ўзида ва ўзи учун" системада индивидуализм ўрнини, яъни татбиқий лингвистиканинг жаҳонда барқ уриб ривожланаётган йўналиши бўлмиш психолингвистика системавий тилшуносликка қарама-қарши йўналиш эмаслигини тан олган [3].

Унинг издошлари Э. Бенвенист, Р.Барт, Ж.Деррида, Ж.Лакан, М.Фуко ва бошқалар ижтимоий олам манзарасини яратувчи қурол – тил ҳақида фикр юритиб, татбиқий тилшуносликнинг назарий асослари пойдеворини қўйганлар.

Рус тилшунослигида татбиқий тилшуносликнинг турли жабҳалари бўйича иш олиб борган ўнлаб олимларни санаш мумкин. В.Н.Телия, И.В.Зыкова, А.В.Артемова, Г.Г.Слышкин, И.А.Стернин, Г.Е.Крейдмен, Ф.И.Карташкова, М.В.Томская, Л.В. Полубиченко, И.Г.Серова кабилар уларнинг жуда кам қисми холос [4].

Ўзбек тилшунослигида кейинги даврда рекламалар, қонунчилик тилига бағишланган бир қатор тадқиқотлар пайдо бўлди. "Тилшунослик ва табиий фанлар", "Компьютер лингвистикаси", "Математик лингвистика" фанлари олий ўқув юртлари филология йўналишлари ўқув режаларига (номунтазам) киритилди. Ушбу йўналишларда муайян тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ ушбу тадқиқотлар, балки шу соҳада дастлабки тажрибалардан бўлгани сабаблидир, умумий маълумотлар бериш ва жаҳон тилшунослигида мавжуд тажрибаларни ўзбек тилига татбиқ этишга уринишдан иборат бўлиб қолди.

Юқорида айтилганларни муайян йўналишлар таҳлили мисолида янада аниқлаштириб олиш мумкин.

Суд лингвистикаси атамаси кейинги 50-60 йил мобайнида жаҳон тилшунослигида фаол қўлланиб келинаётган бўлса-да, унинг тамойиллар тизими тугал ишлаб чиқилган дейиш қийин. Ўзбек тилшунослиги доирасида эса бу мавзу ҳозирча бир неча қизиқувчилар даврасидан чиққан эмас.

Ҳуқуқий терминологияни изга солиш бўйича бир неча тадқиқотлар олиб борилиб, бу соҳада номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинганига қарамай, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигининг ушбу соҳаси объекти ва предмети масаласи ҳали кенг муҳокама этилган эмас. Адолат юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, суд лингвистикаси алоҳида йўналиш сифатида олий таълим муассасаларида

ўқитилиб келаётган бир қатор мамлакатларда ҳам бу борада аниқ тўхтамга келинган дейиш қийин. Фан тизимида тутган ўрнига кўра камида икки хил талқин этиб келинаётгани, яъни ҳам психолингвистиканинг бир қисми сифатида ва ҳам алоҳида фан йўналиши сифатида – фикримизнинг далилидир. Ҳозирги кунда Республикамизда суд ва суд органлари ишини ислоҳот қилиш бўйича олиб борилаётган глобал ўзгартиришлар даврида суд лингвистикаси фанининг ўрни катта бўлиши керак ва бу ҳолат тилшуносликнинг айнан амалий самаралар келтирувчи фан сифатида мавқеини мустаҳкамлаб берган бўлур эди.

Суд лингвистикаси қуйидаги масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

1. У ёки бу матннинг муаллифини аниқлаш, матн яратувчини тавсифловчи лингвистик бирликларни таҳлил қилиш.

2. Матндаги сўз ва жумлаларнинг актуал мазмунини тиклаш.

3. Юридик тизим ва жамият орасидаги муносабатларнинг лингвистик аспектларини таҳрир қилиш.

4. Дискурснинг юридик аҳамиятга эга типларини аниқлаш.

5. Суд жараёнидаги таржима ёки ушбу жараённинг бошқа лингвистик муаммоларини ҳал этиш ва бошқ.

Санаб ўтилганлар суд лингвистикаси олдига қўйилган вазифаларнинг энг кичик сирасини ташкил этади.

Хусусан, кейинги йилларда бизнинг мамлакатимизда ҳам амалиётга кириб келаётган ҳакамлик суди ва маслаҳатчилар институти суд лингвистикаси олдига яна қатор вазифалар қўйилишини кўрсатди. Юридик билими бўлмаган инсонларнинг юридик жараёнларга тортилиши жараёнидаги лингвистик таъминот масаласи кундан кунга долзарб бўлиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, суд лингвистикаси фанининг юзага келиши замонавий тилшунослик олдига қўйилаётган ижтимоий талабдир.

Мулоқот жараёнининг барча қирралари – сўз танлаш, гап қурилиши, фонетик экспрессия, новербал воситаларнинг ишлатилиши гендер – тилдан фойдаланишда жинсга хос белгиларни ўрганувчи тадқиқотлар учун объект бўла олади. Гендер тадқиқотлар жинслараро биологик эмас, балки ижтимоий фарқларга алоҳида эътибор беради. Жамият томонидан эркаклар ва аёлларга берилган баҳо, уларга юклатилган вазифа ва ушбу вазифаларга жинс вакилларининг муносабати кабилар, албатта, нутқда ўз аксини топади.

Ғарб тилларидаги гендер омили кенг ўрганилган ва ўрганиб келинмоқда. МДҲ халқлари тиллари мисолида ҳам кейинги йилларда муайян материаллар тўпланди. Бу борада рус тилшуносларининг тадқиқотлари кўп. К.Кирилина, А.Попов, М.Колесникова, И.Зикова, О.Васькова кабилар гендер белгили тил бирликлари луғатини тузиш, турли тилларда гендер муносабатларининг акс этиши, тижорат ва бошқа мақсадларда гендер лексикасидан фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўзбек тилшунослигида гендерга оид маълумотлар турли тадқиқот ишларида лавҳа характерида учраб туради. Кейинги йилларда бу масалага эътибор кучайиб бораётганини кўриш мумкин. Ўзбек халқининг ўзига хос менталитети, тарихий тараққиёти даврида эркаклар ва аёллар муносабатининг шаклланувига доир босиб ўтилган даврий босқичларнинг хилма-хиллиги, ислом дини ақидаларининг ўзига хос таъсири тилда гендерга оид жуда қизиқарли материаллар тўпланишига, аёллар ва эркакларнинг ўзаро изчил фарқланувчи нутқ одатининг шаклланишига олиб келди.

Бундай ўзига хослик бошқа миллатлар, хусусан, нутқ одати тараққиётининг ўзбек тилидан анча фарқ қилувчи босқичини босиб ўтган халқлар одати билан қиёсда яққол намоён бўлади.

Гендер тадқиқотларда қўлга киритилган натижалар ҳозирги даврда ўта долзарб маданиятлараро мулоқотларда юзага келувчи муаммоларни ҳал қилишда жуда қўл келиши аниқ.

Татбиқий лингвистиканинг энг долзарб соҳаларидан бўлган тижорат лингвистикаси ҳам социолингвистика, психолингвистика ва, шубҳасиз, гендер лингвистикасига асосланади.

Тижорат лингвистикаси борасида Ўзбекистонда деярли тадқиқотлар олиб борилмаган. Аммо бу соҳа бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, бу борадаги назарий тадқиқотларнинг камлиги тижорат лингвистикасининг энг кенг тарқалган жанри – рекламалар тили борасида жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, кимдир уларни ёқласа, кимдир салбий муносабат билдиради. Аммо улар ҳаётимизга тобора шиддат билан кириб келмоқда, бу жараённинг қамрови янада кенгайиши шубҳасиз. Шундай экан, рекламалар сифати ва таъсир кучини яхшилаш мақсад қилиб олиниши лозим. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида татбиқий лингвистиканинг қатор йўналишлари бўйича тадқиқотлар узвий боғлаб олиб борилиши зарур.

Реклама матнининг қурилишига кўра унда аҳоли ижтимоий гуруҳларига йўналтирилганлик омили етакчилик қилади. Масалан, юқорида тилга олинган гендер лингвистикаси натижалари тижорат лингвистикасида ўзининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини янада яққол намоён қилади.

Рекламада гендер йўналишига кўра уч хил тип ажратилиши мумкин:

1. Аёлларга йўналтирилган тип.
2. Эркакларга йўналтирилган тип
3. Жинсий бефарқ тип.

Аёллар ва эркаклар психикасининг ўзига хос уникалиялари борки, улар албатта нутқда ўз аксини топади, бу нутқий ўзига хослик рекламаларда ҳисобга олиниши шарт. Айтиб ўтилганлар тижорат лингвистикасининг келгусидаги имкониятларидан бир қисмдир.

Иқтисодий шартномалар тузиш, келишувлар олиб бориш, ҳамкорга таъсир ўтказишнинг лисоний имкониятларини ишлаб чиқиш, нутқ корректлилиги кабилар татбиқий тилшуносликнинг бу соҳаси ўрганувчи масалаларнинг яна бир қисмидир.

Тил ва тафаккур муносабати масаласидаги тортишувлар тилшуносларнинг деярли барини қамраб олган бўлса-да, ҳалигача тўкис ечимини топган деб бўлмайди. Аммо тилнинг тафаккур шаклланиши ва ифодаланиши учун ўта зарурлиги шак-шубҳасиз. Шу билан бирга тилнинг тафаккурга таъсир ўтказишда энг етакчи восита экани ҳам аниқ. Дунёни тушунишда тилнинг ўрнини баҳолашдаги янгича қарашлар тилшуносликка бугун ниҳоятда фаоллашиб бораётган **оламнинг лисоний манзараси** атамасини олиб кирди. Оламнинг инсон томонидан яратиб олинган индвидуал манзараси инсоннинг оламга муносабатидан келиб чиқади ва оламга инсоннинг муносабатларини ҳам шакллантиради. Миллатимиз менталитетидан келиб чиқиб ҳали ҳозир ўзининг барча қирраларини намойиш этолмаётган, аммо ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг натижаси сифатида бизнинг жамиятда ҳам аста-секин бўй кўрсатиб бораётган инсоннинг жамиятда ёлғизлиги муаммосини ечиш коммуникациянинг муайян кўринишларидан қурол сифатида фойдаланувчи олувчи психотерапиянинг энг долзарб муаммоларидандир. Этнолингвистика, социолингвистика, биолингвистика, антропологик лингвистика каби яна бир қатор прагматик йўналишлар материалларидан самарали фойдаланиш инсоннинг юқорида айтиб ўтилган ва бошқа эмоционал, руҳий, ижтимоий муаммоларини ҳал этишда она тилидан фойдаланиш имконини берувчи фан – психолингвистикани юзага келтиради.

Инсоннинг компьютерга қарамлик ҳолати шаклланиб бораётгани бугун жаҳон миқиёсидаги муаммо экани сир эмас. Бу дастёрнинг қулига айланиб қолиш инсоннинг руҳи ва руҳ ифодаси бўлган тилида ҳам акс этаётганини ижтимоий сайтларга қисқа экскурсия ҳам кўрсатиб бера олади. Ҳозирда биз кузата олган компьютер лингвистикасига оид тадқиқотларда бу нарса компьютер лингвистикаси олдига қўйилган асосий вазифалар сирасида саналмаса-да, яқин келажак психолингвистика ва компьютер лингвистикасининг кесишмасида турувчи асосий масала сифатида айнан шу муаммони қўя бошлаши шубҳасиз. Ҳозирда компьютер лингвистикаси фани олдида жамиятимизни янги ижтимоий-иқтисодий босқичларга кўтаришда зарур бўлган вазифалар анчагина. Хусусан, компьютер учун ўзбекча тўлиқ ва тўлақонли лингвистик таъминот яратиш, автоматик таҳрирлаш, ўзбек тилидан бошқа тилга ёки аксинча таржима қилувчи мукаммал дастурларни яратиш, содда қилиб айтганда, компьютерни ўзбекча “гапиртириш” амалий тилшуносликнинг бу йўналиши олдида турган энг дастлабки вазифалардир. Кейинги йилларда татбиқий йўналишнинг бу соҳасига тилшунослар орасида қизиқишнинг ортиб бораётгани қувонарли ҳол бўлса-да, кўп сонли бўлмаган бу тадқиқотчилар фаолияти бу ўта долзарб йўналишда махсус мутахассислар тайёрлаш заруриятини ҳал этиб бера олмаслиги ҳам аниқ.

Кўриниб турибдики, татбиқий тилшунослик тараққиёти фан учун ҳам, жамият учун ҳам зарурийдир. Тилшунослик тараққиётининг замонавий босқичи сифатида татбиқий-амалий йўналиш тилшуносликни ижтимоий-иқтисодий самарадор фанлар сирасига олиб киради.

Адабиётлар:

1. Karimov I.A.Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. - T.,2008.- 173 б.
2. Радченко О.А. Язык как миросозидание.Лингвофилософская концепция неогумбольдтианства.- М., 2006.- 310 б.
3. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики(извлечения) // www.slovesnik.ru
4. www.strana-oz.ru., filologiya.su>gendernaja

Андижон давлат университети,
2016 йил 2 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)